



1 октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар кун”



Ўзбекистон Президенти Германияга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг тақлифига биноан 28 сентябрь кун амалий ташриф билан Берлин шаҳрига жўнаб кетди.

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Германия пойтахтида бир қатор расмий ва ишбилармонлик учрашувларини ўтказди, Марказий Осиё ва Германия давлат раҳбарлари форматидаги тадбирларда иштирок этади.

Ўзбекистон – Германия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Дунёда инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган, тарихи ибратли, тажрибаси бой, халқи меҳнаткаш давлатлар бисёр. Германия улардан бири ҳисобланади. Инсоният турмуш тарзини мутлақо ўзгартириб юборган инқилобий ихтиролар – автомобил-созликдан тортган, оғир йўл-транспорт ҳалокати чоғида инсон ҳаётини сақлаб қолиш имконини оширадиган хавфсизлик ёстиқчасига, рентген аппаратидаги “аспирин” деб номланувчи дори воситасига, компьютердан бошлаб чип ёки жуда оммабоп мр3 аудио форматига айнаган Германияда кашф этилган.

Ирсмат АБДУХОЛИҚОВ, ЎЗА шарҳловчиси

Бу мамлакатда қадимдан илм-фан, санъат, маданиятга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ишларга давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. Қолаверса, алоҳида қобилият, ҳислатлар немис халқининг қонидан бор десак, муболағ бўлмайди. Дунё тан олган ёзувчи, шоирлар Иоганн Гёте, Франц Кафка, Эрх Мария Ремарк, Томас Манн, Генрих Белль, машҳур композиторлар Иоганн Себастьян Бах, Кристоф Виллибалд Глюк, Феликс Мендельсон, Людвиг ван Бетховен, Рихард Вагнер, Иоганнес Брамс, Рихард Штраус – буларнинг бари нафақат немис миллиятининг, балки бутун жаҳон халқларининг буюк ижодкорларидир.

Германия иқтисодиёти йилдан-йилга ривожланаётган давлатлардан биридир. Экспертларнинг таъкидлашича, Германия иқтисодиёти АҚШ, Хитой ва Япониядан кейинги ўринда туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолиси турмуш даражаси энг юқори бўлган мамлакатларни аниқлайдиган индекси бўйича Германия 191 давлат орасида 9-ўринни эгаллаган.

Дунё олимлари замонавий бозор иқтисодиётининг илмий-назарий ва амалий асосини “немис иқтисодиёти мўжизаси” муаллифлари Людвиг Эрхард ва Франц Опенгеймер номи билан боғлашади. Германия Ўзбекистонга маҳсулот экспорт қилиш бўйича Хитой, Россия, Қозғоғистон, Туркия, Корея Республикаси ва Қирғизистондан кейин 7-ўринда туради. Алоҳида қизиқ билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабат сўнгги йилларда жадал ривожланмоқда. Буни сўнгги олтти йил ичида Германия Ўзбекистонга маҳсулот етказиб беришини 2,2 баробарга оширганни мисолида ҳам кўриш мумкин. Бошқача айтганда, икки давлат ўртасида товар ва хизмат айирбошлаш 530 миллион доллардан 1,2 миллиард долларга кўтарилди. Яқин йилларда узаро маҳсулот турларини кўлайитириш, диверсификация қилиш ҳисобига яқин кўрсаткич яна икки баробар ўсиши кутилляпти.

Иқлими, суви, тупроғи, об-ҳавоси бизниқидан фарқ қиладиган Германияда Ўзбекистоннинг ажойиб табияти, сазий қувиши маҳсули, миришкор деҳқон, моҳир боғбонларимиз кўли билан етиштирган мева-сабзаот, айниқса, немислар яхши кўрадиган хўл ва қуритилган мева, соф пахта-ю тоза ипақдан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари, тикилган тайёр кийим-кечак, шунингдек, саноат маҳсулотлари жуда харидордир.

Ҳар қандай юрт тараққиёти кўп жиҳатдан мамлакатга жалб этилаётган инвестицияга боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистондек илдам ривожланаётган мамлакат бой ва технологик жиҳатдан ривожланган давлатлар билан инвестициявий ҳамкорликни яхши йўлга қўйиши энг тўғри йўл. Бинобарин, Германия ҳозиргача Ўзбекистонга киритган 5,5 миллиард доллар инвестициянинг 4 миллиарди сўнгги бир-икки йилга келди. Бугунги кунда Ўзбекистонда юздан ортиқ қўшма корхона тўла немис капитали ёки маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишламоқда.

Машҳур “КЛААС” концерни, “Лемкен” қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган корхона, шиша толаси тайёрлайдиган “Фальк Порше”, йўл қурилиши учун асфальт-бетон қоршиси етказиб берадиган “Паппенбург” компанияси, шунингдек, “Хьюго Босс”, “Карл Гросс”, “Дигель”, “Энгельберг Страус”, “Дойче Кабель” каби банк, бизнес тузилмалари мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Яна бир машҳур корхона – “MAN Nutzfahrzeuge AG” “Узавто-саноат” акционерлик компанияси билан ҳамкорликда Самарқандда 3 миллион евро устас фондига эга автомобиль техникаси ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этган. Айни пайтда Самарқанд автомобиль заводиди 18 тоннага юк ташийдиган автомашиналар, 37 йўловчи сизимли автобуслар йиғилмоқда. Корхона йилга тўрт мингта машина ишлаб чиқариш қувватига эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил январь ойида Германия – Ўзбекистон ишчи кенгаши, немис иқтисодиёти Шарқ қўмитаси вакиллари, Германия энергетика агентлиги, шунингдек “CLAAS”, “Knauf”, “Siemens Energy”, “Lasselsberger”, “Aurubis”, “Linde Group”, “Günter Papenburg”, “Falk-Porsche-Technik”, “Mangold Consulting”, “DB Engineering”, “Landesbank”, “Commerzbank”, “KW”, “Deutsche Bank” каби тузилмалар мутасаддилари, раҳбар ходимлари билан учрашган эди. Унда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 2-3 май кунлари Германияга навбатдаги расмий ташрифи чоғида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан ҳужуматларо декларация имзоланди. Мулоқот чоғида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари билан инновацион-технологик шерикликни кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳа ва дастурлар ҳақида сўз борди. Аньанага мувофиқ, Ўзбекистон етакчиси немис бизнесининг илғор вакиллари билан ҳам учрашди.

Таъкидлаш жоиз, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ҳам икки давлат раҳбарларининг доимий эътиборида. Президентимиз охириги сафар чоғида пойтахт Берлинда Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросига оид кўргазма очилишида қатнашди. Шунингдек, Ўзбекистонда немис тилини ўрганиш бўйича комплекс Дастур тайёрлаш, Тошкентда фаолият юритаётган Гёте институти фаолиятини янада кенгайтиришга қелишиб олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц тақлифига биноан 28-30 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Берлин шаҳрида бўлади. Ташриф дастурига мувофиқ, Федерал Канцлер Олаф Шольц ва Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер билан икки томонлама музокара, шунингдек, Марказий Осиё ва Германия давлат раҳбарларининг учрашувлари режалаштирилган. Мамлакатимиз етакчиси Германия иқтисодиёти Шарқ қўмитаси томонидан ташкил этиладиган ишбилармонлик тадбирларида ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, икки давлат раҳбарларининг қатъий иродаси, амалий сазъ-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон – Германия муносабатлари жадал ривожланмоқда. Президентимизнинг олмон диёрига бу галли ташрифи ҳам икки давлат ўртасидаги ҳам томонлама манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.



БИЛИМДОН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЮТУҚЛАРИДАН ҚУВОНАМАН

Қашқадарёлик, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаронова ўқувчилик йиллари ўтган, кейинчалик узоқ йиллар ўзи ўқитувчилик қилган Қарши шаҳридаги 5-сонли умумий ўрта таълим мактабига борди.

М.Шаронова узоқ йиллар шу мактабда математика фанидан ўқувчиларга сабоқ берган ва кўп-кўп шаридлар етиштирган. Математика бўйича мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари кўлга киритаётган ютуқларда унинг ҳиссаси беқиёс.

Мактабнинг собиқ ўқувчиси ва ўқитувчиси ҳаргал мактабга келар экан, шоғирдлар бир пасда устозни ўраб олишади. Устоз мактабдаги таълим жараёни, ўқувчиларнинг ютуқлари билан қизиқади.

– Ҳозир нафақатда бўлсамда, барибир, мактабдан кўнглимни уза олмайман, – дейди Муҳаббат Шаронова. – Ўқувчиларни соғинавераман. Шу


боис тез-тез келиб тураман, дарслар ҳам ўтаман. Билимдон ўқувчиларнинг ютуқларидан қувонаман. Улар билан шуғулланиб, математик масалалар, мисоллар устида ишласам, енгил тортаман. Узоқ йиллик педагогик фаолиятим давомида таълим тизимининг ҳамма пасту баландини кўрдим. Машаққатли дамлар ҳам бўлди. Лекин давлат раҳбари бошчилигида бугунгидек таълимга эътибор ва ғамхўрлик ҳеч бир даврда бўлмаган. Бундай имконият ва қулайликлардан фойдаланиш, янада юқори марраларни забт этиш керак. Илм олишида озинга данеасалиқ қилган ўқувчиларни кўрсам, шундай маслаҳатлар бераман.

Аслида ушбу мактабда “устоз-шоғирд” аънаси яхши йўлга қўйилган. Шу боис 5-мактаб миллий рейтинг натижаларига кўра, нафақат вилоятда, балки республикада ҳам юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Мактаб ўқитувчиларининг 60 фоизидан ортиғи олий, биринчи ва иккинчи тоифа сертификатига эга. Ҳар йили мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадаларининг шаҳар, вилоят, республика босқичлари ғолиблари орасида мазкур мактаб ўқувчилари бор.

Маълумот учун: мактаб 1955 йилда ташкил топган бўлиб, 720 ўринга мўлжалланган. Бугунги кунда таълим даргоҳида 1 минг 768 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Уларга 100 нафарга яқин тажрибали ўқитувчилар фан сирларини ўргатиб келмоқда.

ЎЗА



Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

Оддий муаллим

Қадри билинади энди менга гоҳ,
Оддий мактабимнинг ўша беҳашам,
Навойи-ку бизга устоздир бироқ,
Кимдир ўқитган-ку Алишерни ҳам,
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Тупроқдай хокисор безовта жонлар,
Аммо қаноатда тоғдек улугвор.
Ҳатто Темурдайн соҳибқиронлар,
Пирим деб этагин тутган зотлар бор.
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Аяган ҳаётнинг санчиқларидан,
Йиқилса кўтарган тўсиқларидан,
Отадек эзилган гўссага ботса,
Боладек қувонган ютуқларидан,
Уйқуда шозирдин йўлаб ётган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Йўқдан Берунийни бинолар қилган,
Хусайини ибн Синолар қилган,
Маширабни машҳур-у дунёлар қилган.
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,
Илон ўйнатгандек сўз ўйнатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Улфат кўп-у аммо бир дўсти ҳамроҳ —
Ҳалим тополмадим ундан ҳалимроқ.
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,
Олим тополмадим ундан олимроқ.
Бола юрагимда бебаҳо тилсим —
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Юзга қираман мен Худо хоҳласа,
Эҳтимол юздан ҳам ўтарман бир кун.
Қайноқ кучоғида ҳурлар чорласа,
Ҳеч кимдан қарзим йўқ кетарман бир кун.
Бўлса ҳам, бир зотда бўлади қарзим,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ
ХОДИСАЛАРИ:
ким айбдор?!



САБР ТЎНИНИ
КИЙГАН
УСТОЗ



СИФАТЛИ ТАЪЛИМ
УЧУН ҲАММАМИЗ
МАСЪУЛМИЗ



Янги Ўзбекистон — илғор ташаббуслар



Янги Ўзбекистон дунёнинг кўпқабатли ривожланган давлатлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро тенг ва манфаатли алоқаларни, ҳамкорликларни ривожлантириб бормоқда. Бу мамлакатимиз билан Бирлашган Миллатлар ташкилоти ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Кейинги олти йил ичида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик юксак даражага кўтарилди. Ҳамкорлик доирасида сўнгги йилларда 140 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 6 та резолюцияси қабул қилинди. Оролбўйи минтақаси аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус Траст фонди қўрилган йўлга қўйилди.

Президентимиз Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нўқтида кўпқабатли долзарб масалалар ечимига қаратилган аниқ тақлиф, амалий ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, давлатимиз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат эканлигига урғу бериб, мамлакатимизда демократия ва адолат таъминлашнинг мустақамлашга қаратилган туб ислохотлар "Инсон қадр ва манфаатлари учун" деган эзгу гоя асосида дадил илгарилан бораётганини эътироф этди. Жорий йил апрель ойида Умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз халқимиз томонидан жуда катта фаоллик билан қабул қилинганга дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, унда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги таъминлангани, мажбурий меҳнат тақиқлаши кафолатлаб қўйилгани ва бунинг учун жиноий жавобгарлик белгилангани алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари БМТнинг юксак минбаридан туриб глобал ва минтақавий долзарб масалалар ечимига қаратилган бир қатор ташаббусларни ҳам илгари сурди. Хусусан, мажбурий ва болалар меҳнатига қарши курашни бутун дунё миқёсида кучайтириш, Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш ҳамда унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби - 2030" дастурини ишлаб чиқиш масаласини ўртага ташлади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти шафелигида 2024 йилда юртимизда "Ижтимоий ҳимоя барқарор тараққиёт сари йўл" мавзусида бутунжаҳон конференцияси ҳамда Ўзбекистонда "Ислом - тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро конференцияларни ўтказиш тақлиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари нўқтида мамлакатимизда гендер тенглик бўйича олиб борилаётган ислохот-

ларга алоҳида тўхталиб, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши қарийб 35 фоизни, олий таълимга қамров эса 49 фоизни ташкил қилганини айтиб ўтди.

Шу билан бир қаторда, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратди. Миллий қонунчилигимизда аёллар ва болаларни ўзривонликдан ҳимоя қилиш алоҳида қонун билан мустақамлаб қўйилганини билдирди. Президентимиз олиб борилаётган ислохотларда БМТнинг хотин-қизлар тузилмаси билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигимизни айтиб, мамлакатимизда "Осиё хотин-қизлари" форумини ташкил этишни тақлиф қилди.

Нўқтида сайёрамиз миқёсидаги экологик вазият кескинлашиб, иқлим муаммолари пайдо бўлаётгани, биохилмаҳиллик йўқолиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кучаяётганига, шунингдек, Орол денгизи фожеаси сабабли юзага келган глобал муаммоларга қарши курашда Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилаётганига урғу берилиб, Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ерда қургўқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилгани эътироф этилган ҳолда, халқаро ҳамжамиятни ушбу сазъ-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

БМТга аъзо давлатлар эътиборини, минтақада ҳаво ҳарорати ўртача 1,5 градусга кўтарилиши оқибатида Осиё минтақасидаги икки дарё - Амударё ва Сирдарёнинг оқими 15 фоизга камайиб кетаётгани, натижада минтақада юзага келиши мумкин бўлган оқибатларга қаратиб, "Марказий Осиёда сув тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида "Бирлашган Миллатлар ташкилоти - сув ресурслари" механизминини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб қилиш тарафдоримиз", деди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган аниқ тақлиф ва амалий ташаббуслар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрнини янада мустақамлаб, ривожланиб бораётган Янги Ўзбекистон ва унинг халқни манфаатларига хизмат қилувчи туб ислохотларнинг бардавом бўлишида ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий бўлган муаммоларга ечим топилишида катта туртки вазифасини ўтайди, дейиш мумкин.

"Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида таълим тизими, хусусан, мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш, умумтаълим мактабларида таълим сифатини юксалтириш, ўқитувчи-педагогларнинг мақомини мустақамлаш, олий таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш муҳитини янада тақомиллаштиришга оид аниқ вазифалар, мақсадлар белгилаб олинган. Шу боисдан яқиндагина давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон - 2030" стратегияси ва унда илгари сурилатган мақсад ва вазифаларда мамлакатимиз ривож ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган бир қанча муҳим масалалар қаторида таълим соҳасига ҳам катта эътибор қаратилгани биз, "Адолат"чиларни ниҳоятда қувонтирди.

ТАЪЛИМ УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИЛАДИ



Муҳаррам ДАДАХҲУЖАЕВА,
Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Стратегияга кўра, болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олиш белгиланди. Қолаверса, бугунги замонавий ахборот технологиялари жадал тараққиёт этаётган даврда давлат мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз компьютер билан таъминлаш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлиги кўникмаларини шакллантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундан ташқари, келажак авлод саноатлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларимизнинг узвий давоми сифатида, айни даврда дунёдаги иқлим ўзгариши ва турли эпидемик, пандемик ҳолатларнинг олдини олишни назарда тутиб, мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш вазифалари белгиланди. Бу каби амалий ишлар натижасида фарзандларимиз боғча ёшидан соғлом ва замонавий информацион технологиялардан бохабар бўлиб улғайишлари шубҳасиз.

Шунингдек, Стратегияга умумий ўрта таълим тизимида "Таълим учун қулай муҳит" дастурини амалга ошириш мақсадида олиб чиқиш ҳудудларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш, умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишни кўзлаб, 700 га яқин номдаги янги дарсликлар, машқ дифтарлари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар яратиш, янги авлод дарсликлар асосида планшетлар учун 1 000 та мультимедиа дастурларини яратиш, таълим ташкилотлари ҳар йили 500 нафар "тил эгалари" бўлган хорижий мутахассисларни жалб этиш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнининг самарандорлигини таъминлашда ва ҳарон стандартлари даражасига олиб чиқишда муҳим қадам бўлади, албатта.

Қолаверса, Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар-

нинг таълим методикасини барча умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув жараёнларига жорий қилиш ва барча умумий ўрта таълим муассасаларида касб-хунарларга ўргатиш курсларини ташкил этишга қаратилган мақсадлар ёш авлодини янада билимли ва салоҳиятли қилиб тарбиялаш билан бир қаторда, уларни бугунги меҳнат бозорига ҳар жиҳатдан эртароқ мослашиб боришларига имконият яратди.

Биз учун аҳамиятли бўлган яна бир жиҳат шундаки, Ватанимизнинг келгуси етти йиллик тараққиётини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатда ўқитувчи-педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кенг жамоатчиликка яхши маълумки, "Адолат" СДП ўтган даврдаги фаолиятида ва мамлакатимизда юз бераётган муҳим сиёсий тадбирлар, турли даражадаги сайлов жараёнларида ўқитувчи-педагог ходимларнинг обрў-эътиборини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини юксалтиришга қаратилган қатор тақлиф, ташаббусларни доимий тарзда илгари суриб келмоқда.

Шу жиҳатдан, Стратегияда белгиланган вазифалар олдимизда турган мақсадларимизнинг тўлақонли рўйиб таъминлашда қўл келадиган, деб ишонамиз. Зеро, давлат ва жамият ҳаётида ўқитувчининг обрў-эътиборини юксалтириш, энг аввало, таълим сифатини оширишга ва шу орқали мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилади. Бу борада Япония, Сингапур, Германия каби жаҳоннинг кўпқабатли ривожланган давлатларида эришилган тажрибалар фикримизнинг яққол исботидир.

Шу билан биргаликда, Стратегияда олий таълим қамровини кенгайтириш, олий маълумотли мутахас-

сислар тайёрлаш сифатини ошириш масалаларида ҳам айни давр учун муҳим бўлган қатор мақсадлар белгиланганлигига эътибор қаратишимиз лозим.

Мақсад, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказишдир. Умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, 30 та олий таълим муассасасининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш, "Топ-500"га киришган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида "икки дипломи тизим"ни жорий этиш, 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли "Топ-1000" олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятга 70 фоизга етказишга қаратилган вазифалар амалиётга самарали татбиқ этилса, албатта, истиқболда ўзининг ижобий натижасини беради.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзбекистон - 2030" стратегияси мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, ёшларимизни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш йўлида бошланган ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқувчи, пухта ишлаб чиқилган, ҳақиқий дастуриламал бўлди десак, муболага бўлмайди.

Биз, "Адолат" СДП фаоллари, барча даражадаги депутатларимиз билан биргаликда партияимиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган мазкур муҳим ҳужжатнинг фаолиятимизда янги имкониятларни яратиш бераётганлигини яхши анлаган ҳолда уни тўлақонли амалиётга татбиқ этишни ва ушбу жараёнларда нафақат фаол иштирокчи, балки илғор, ташаббускор ташкилотчилардан бўлишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.



Ёшларга руҳ бағишлади

"Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, энг долзарб муаммоларини фаол ва самарали ечиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, ёшлар ташкилотлари фаолияти самарандорлигини ошириш, келажак авлоднинг турмушини ва таълим олиш шароитларини яхшилашга оид аниқ вазифалар, мақсадлар белгилаб олинган.

Аҳамиятлиси, жорий йилнинг 11 сентябрь кунини давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон - 2030" стратегияси ва унда илгари сурилатган мақсад ва вазифаларда мамлакатимиз ривож ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган бир қанча муҳим йўналишлар қаторида ёшлар масаласига ҳам катта

эътибор қаратилгани партияимизнинг мақсад ва вазифаларини тўлақонли рўйиб таъминлашда янги имкониятларни яратиб бериши.

"Инсон қадр учун", деган эзгу тамойил асосида "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида илгари сурилган ёшларга оид масалаларни кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга етқа-

зиш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан пойтахтимизда жойлашган Тошкент давлат транспорт университетида "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида ёшлар масаласи" мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, Тошкент давлат транспорт университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, партиянинг "Ёш адолатчилар қаноти" фаоллари, "Ёшлар парламенти" аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Матбуот котиблари фаолияти тақомиллаштирилади

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жамият ва мамлакат ҳаётида, қолаверса, дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида матбуот соҳасининг ўрни беқийсдир.

Гулбаҳор ҚОБУЛОВА,
"Адолат" СДП Матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппаратида партия тизимидаги матбуот котиблари фаолиятини янада тақомиллаштиришга қаратилган семинар ташкил этилди.

Тадбирни "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов кириш сўзи билан очиб, матбуот котиблари ҳар қандай ташкилотнинг жон томири эканлиги, янгидан-янги ислохотлар, эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилаётган хатолар, пировард натижада эса шу ташкилот томонидан амалга оширилаётган ютуқ ва камчиликлар билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш, ташкилотда фаолият юритаётган матбуот котибларига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида партия Сиёсий Кенгаши раисининг Ахборот сиёсати бўйича ўринбосари, "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири Исрол Ҳамроев томонидан матбуот котибларига ОАВ билан самарали иш ташкил этиш, эълон қилиб борилаётган материаллардаги матн, сурат ва видеолавҳаларни сифат ҳамда маз-



мун жиҳатдан янада яхшилашга оид бир қатор тавсиялар, назарий маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, семинарда жорий йилнинг ўтган даврида партия фаолиятини самарали ёритишга доир амалга оширилган ишлари сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар муҳокама қилинди.

Мунозара, савол-жавоблар тарзида ўтган мазкур семинарда тадбир қатнашчилари ва онлайн тарзда иштирок этган ҳудудий Кенгаш матбуот котибларининг ташаббуслари, тақлиф ва мулоҳазалари эшитилди. Шунингдек, намунали фаолият олиб бораётган матбуот котибларини алоҳида эътироф этиш билан бир қаторда, уларнинг ижобий тажриба ва ютуқларидан барча ҳудудий Кенгашлар фаолиятини самарали ёритишда фойдаланиш тавсия этилди.

Шу билан биргаликда, тизимдаги матбуот хизматларининг моддий-техник базасини замон талаблари даражасида таъминлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида вазифалар белгиланди.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ: ким айбдор?!

Статистика маълумотларига кўра, жорий йилнинг 7 ойида республика бўйича содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 1115 киши вафот этган, 4,5 мингдан ортиқ киши жароҳатланган. Бу борада ахборот сайтларида ҳам бир қанча хабарлар, маълумотлар берилди. Ижтимоий тармоқларда фуқароларимиз томонидан ушбу масала кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан мажлислар ва видеоселектор йиғилишларида, соҳа вакиллари билан учрашувларда оғир оқибатларга олиб келаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўплаб аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати ташаббуси билан кенг жамоатчилигимизни ташвишга солаётган масалалардан бири – “Йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбатида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ кўплаб масалалар ўртага ташланди.



Муродилло МАҲМУДОВ,
“Адолат” СДП Матбуот хизмати бош мутахассиси, модератор:

– Ушбу муҳим мавзу юзасидан юзага келаётган салбий ҳолатларнинг сабаб ва омилларини таҳлил этиш ҳамда шу орқали мавжуд муаммоларга ечим излаш мақсадида даврамизга соҳага оид мутахассисларни, масъул ташкилотлар вакиллари, экспертларни, шунингдек, партиямиз фаолларини таклиф этганимиз.

Суҳбатимизни умумий бир савол билан бошласак: **Бугунги кунда оғир оқибатларга олиб келаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олтиб бораётганлигига нималар сабаб бўлмоқда?**

мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 12 сентябрь кунин Президентимиз иштирокида кенгайтирилган тарзда видеоселектор ўтказилди. Унда йўл инфраструктурасини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Ақлли светофорлар ўрнатиш, пидедалар ўтиши учун хавфсиз жойлар, хавфсиз йўлаклар барпо этиш, пидедалар, транспорт воситалари учун эстакадалар қуриш бўйича топшириқлар берилди. Бу бўйича ишчи гуруҳ тузилган. Ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, умуман республиканинг қайси ҳудудларида уларни қандай қуриш имконияти ўрганилмоқда.



Фозил РАЖАБОВ,
“Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти” давлат муассасаси илмий-техник ривожланиш бўлими бошлиғи:

– Йўл ҳаракати хавфсизлигида транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиши кўплаб омилларга боғлиқ. Буни таҳлил қиладиган бўлсак, 5 та асосий омилни келтиришимиз мумкин. **Биринчиси**, бу ҳайдовчилар билан боғлиқ омил. **Иккинчиси**, транспорт воситалари билан боғлиқ омил. **Учинчиси**, йўлнинг ҳолати, яъни сифати билан боғлиқ омил. **Тўртинчиси**, бу атроф-муҳит, яъни об-ҳаво билан боғлиқ омил ва **бешинчиси** пидедалар билан боғлиқ омилдир. Мана шу бешта омил таъсирида йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқади. Демак, омилларни санаб ўтдик. Энди уларга атрофлича тўхталсак. **Биринчи** омил, яъни, ҳайдовчи нима учун йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлади? Бу кўпроқ унинг маҳорати, тажрибаси, жисмоний ҳолати, соддароқ қилиб айтсак, саломатлиги, шунингдек, сергак ҳамда чарчаш ҳолатлари ёки спиртли ичимлик истеъмол қилиб рулга ўтириши, алкоҳа воситаларига чалғиши билан боғлиқ. Шунингдек, транспорт воситасининг техник ҳолатидаги камчиликлар ҳам салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Германиядаги автомобилли транспортларини сертификатлаш компанияси таҳлилларига кўра, йўл-транспорт ҳодисаларининг 25 фоизи транспортларнинг тормоқлаш тизимидаги носозликлар сабабли келиб чиқар экан. Юқорида яна бир омилни айтиш, бу йўлнинг ҳолати. Албатта, йўлдаги нотекилик, турли чуқурларнинг борлиги, чиқиқларнинг мавжуд эмаслиги ёки борларининг ҳам сифатсизлиги, ҳаракатланмишга халақит берувчи тўсиқлар, сифатсиз йўл қопламалари ҳам салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига таъсир қилади. Айтилик, намгарчилик, туман, йўллардаги музлама ва бошқаларни келтириш мумкин. Булар, албатта, йўлларда транспорт воситаларини бошқаришни маълум даражада қийинлаштиради. Санаб ўтилган омилларнинг ичиде бугунги кунда жиддий муаммолардан бири – бу пидедалар билан боғлиқ ҳолатлардир. Бунда махсус ўтиш жойларининг етарлича ташкил этилмаганлиги, мавжудларнинг сифати белгиланган талабларга жавоб бермаслиги кабилар билан боғлиқ.

Муродилло МАҲМУДОВ:
– Пидедалар ўтиш жойлари ҳақида батафсилроқ тўхталсак, боиси йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти ана шу омил туфайли юзага келмоқда. Айтилик, “Адолат” СДП ташаббуси билан ташкил қилинаётган давра суҳбатлари, партиямизнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳам шу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, давра суҳбатимизда онлайн қатнашаётганлар ҳам шу масала билан боғлиқ кўплаб саволларни ўтказмоқдалар. Саволларда айтилишича, бугунги кунда йўлларимизда пидедалар ўтиш жойлари етарлича ташкил этилмаганлиги сабабли фуқароларимиз йўлларни кесиб ўтишда белгиланмаган жойлардан ўтишга мажбур бўлишаётган экан. Саволни янаям аниқлаштирсак, бугунги кунда йўлларимизда, айтилик, шаҳарлар марказларидаги кўчаларимизда пидедалар учун йўлаклар етарлича ташкил этилганми?

Фозил РАЖАБОВ:
– Тўғри, пидедалар ўтиш йўлакларини йўллардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда асосий аҳамиятга эга. Агар юзага келаётган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қиладиган бўлсак, энг оғир ҳолатлар айнан пидедаларнинг йўлларни белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиш жараёнида содир бўлаётганлигини кўраемиз. Бундай ҳолатлар натижасида юзага келаётган статистик маълумотлар жуда ачинарли. Албатта, бунинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Бевоқифа саволнингизга келсак, бундай ўтиш жойлари ташкил қилинган, аксариятлари светофор билан таъминланган, бошқариладиган ҳолатдаги ўтиш жойлари ҳам ташкил этилган, эндиликда бу борада яна қўшимча ишлар режалаштирилган ва улар амалга оширилмоқда.



Гулнисо САИДОВА,
“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи:

– Сийёсий партия фаоли сифатида жойларда бўлганимизда фуқароларимиз аксарият йўл-транспорт ҳодисаларига ҳайдовчиларнинг йўлда ҳаракатланиши қоидаларига амал қилмаслиги, яъни ҳайдовчилик маданиятининг етишмаслиги сабаб бўлаётганини айтишди. Шу боисдан партиямиз ва Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари шофёрларга ҳайдовчилик сувоҳномасини бериш тартибини қайта кўриб чиқиш борасида бир неча бор жиддий таклифлар киритган эдилар. Бу борада бирор ўзгариш амалга ошириладими?

Азизхон МУРОДОВ:
– Тўғри айтдингиз, бу борада Президентимиз томонидан 2022 йил 11 февраль кунин айнан Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизими бўйича алоҳида кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. “Хавфсиз йўл ва



Гулбахор ҚОБУЛОВА,
партия Матбуот хизмати етакчи мутахассиси:
– Бугунги кунда бозорларимиз атрофидаги йўллар чет-ларига фуқароларимизнинг автомобилларни қўйиб кетишлари оқибатида ҳаракатланишга халақит берадиган ҳолатларга, тирбандликлар юзага келмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?



Фозил РАЖАБОВ:
– Эътирозингиз ўринли. Бу масалалар бугунги кунда барчамизни қийнаб келаятган масалалардир. Бу бўйича “Йўллар тўғрисидаги” қонунимиз бор ва унда барча меъёрлар белгилаб берилган. Тошкент шаҳридаги кўчаларга, умуман, ички кўчаларга ҳокимият тасарруфидоги Ободонлаштириш бошқармаси томонидан хизмат кўрсатилади. Сиз айтган муаммоларни бартараф этишни ҳокимият ва ободонлаштириш ташкилотлари назоратга олиши лозим. Йўлнинг сифати тўхталсак, авваламбор, уни лойиҳалашдан бошлаб белгиланган меъёрларга амал қилнади ва бунда стандартлар мавжуд. Бу стандартларда йўл қопламаси, ундаги чиқиқлар сифати кўрсаткичлари киритилган. Тизимимизда “Узвотой-ўлбелги” корхонаси фаолият юритади. Албатта, сиз айтган масалаларда биз ҳам ўрганишлар олиб борамиз ва бу бўйича маълумотлар берамиз. Умуман олганда, сиз айтган масалалар борасида қонун чиқарувчи ташкилотларга ҳам таклифлар берганмиз. Президентимизнинг қарорларида йўл остидаги тизимларни ўтказишда – сув бўладими, электр ёки газ бўладими, меъёрлар кўрсатилган ва бунга амал қилиниши лозим. Бу бўйича биз ҳам, бошқа масъул ташкилотлар ҳам назорат ишларини олиб бормоқдалар.



Азизхон МУРОДОВ:
– Бунга ҳайдовчиларимизнинг йўл ҳаракати маданиятига амал қилмаслиги сабаб бўлмоқда. Боиси, бизнинг бозорларимизда автотураргоҳлар мавжуд, аммо ҳайдовчиларимизда бир салбий одат бор, “бозорга 5 дақиқага кириб чиқаман” деган нотўғри фикр билан машинасини йўл четига, қоидага тўғри келса-келмаса қўйиб кетаверади. Оқибатда йўлда ҳам, йўл четига ҳам тирбандлик юзага келади. Йўл ҳаракати қоида бузилади. Албатта, Йўл ҳаракати қоидаларимизда бу бўйича меъёрлар бор. Унга кўра, йўлда тақиқланган белги бўлмаса, машинасини йўлга параллель равишда қўйишга рухсат берилган. Афсуски, шуни кўплаб ҳайдовчиларимиз тушунамайди ёки тушуна ҳам қоидага амал қилнади ва бунда стандартлар мавжуд. Бу стандартларда йўл қопламаси, ундаги чиқиқлар сифати кўрсаткичлари киритилган. Тизимимизда “Узвотой-ўлбелги” корхонаси фаолият юритади. Албатта, сиз айтган масалаларда биз ҳам ўрганишлар олиб борамиз ва бу бўйича маълумотлар берамиз. Умуман олганда, сиз айтган масалалар борасида қонун чиқарувчи ташкилотларга ҳам таклифлар берганмиз. Президентимизнинг қарорларида йўл остидаги тизимларни ўтказишда – сув бўладими, электр ёки газ бўладими, меъёрлар кўрсатилган ва бунга амал қилиниши лозим. Бу бўйича биз ҳам, бошқа масъул ташкилотлар ҳам назорат ишларини олиб бормоқдалар.



Азизхон МУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти йўл-ҳаракати хавфсизлиги хизмати матбуот котиби:

– Йўл-транспорт ҳодисаси объектив ва субъектив сабабларга кўра содир бўлади. Яъни, объектив сабабларга йўлнинг сифати, ундаги мавжуд камчиликлар, муаммолар ёки пидедалар ўтиш жойларининг етишмаслиги, йўловчиларнинг ҳаракати учун шароит яратилмаганлиги кабилар кирди. Субъектив сабаблар эса ҳайдовчилар томонидан белгиланган тезлик талабларига амал қилмаслиги, тақиқловчи қизил чироқларда ҳаракатланиш ёки пидедаларнинг белгиланган ўтиш жойларидан ўтмасликлари ёки белгиланган пидедалар ўтиш йўлакларидан ўтаётганда ҳам ҳар хил мосламалар, телефон, қулоқчинлардан фойдаланган ҳолда йўлларни кесиб ўтишлари натижасида юзага келади. Оқибатда турли ҳолатдаги йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади. Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айтилик, йўллардаги музлама ва бошқаларни келтириш мумкин. Булар, албатта, йўлларда транспорт воситаларини бошқаришни маълум даражада қийинлаштиради. Санаб ўтилган омилларнинг ичиде бугунги кунда жиддий муаммолардан бири – бу пидедалар билан боғлиқ ҳолатлардир. Бунда махсус ўтиш жойларининг етарлича ташкил этилмаганлиги, мавжудларнинг сифати белгиланган талабларга жавоб бермаслиги кабилар билан боғлиқ.

Гулнисо САИДОВА:
– Балки йўл ҳаракати қоидаларини менсимайтган ҳайдовчиларга жазо чораларини кучайтириш лозимдир. Жазо чораларининг енгиллиги ҳайдовчиларимизнинг белгиланган қоидаларга амал қилмаслигига сабаб бўлаётган экан. Негаки, биз сўнги пайтларда оғир оқибатларга олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари сабабчилирига жиддий чоралар қўрилганлигини кузатишда. Айтилик, инсон ўлими билан аяқланган йўл-транспорт ҳодисаси сабабчиси 10 ёки 15 йилга қамалганини кўрмадик ҳам, эшитмадик ҳам.

Азизхон МУРОДОВ:
– Бу бўйича белгиланган тартиб бор. Бу тартибга кўра, йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда ҳужжат расмийлаштирилади ҳамда тергов ва суд идораларига тақдим этилади. Суд идоралари эса жиноий ёки маъмурий қодексларга кўра жазо чораларини белгилаб беради. Бу савол ҳуқуқ идоралари ходимларига берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сарвар ЭРҒАШЕВ,
партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи:
– Тошкент шаҳрида яшайман. Очигини айтиш керак, бугунги кунда пойтахтимиздаги аксарият кўчалар белгиланган талабларга жавоб бермайди. Улардаги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг вазифаси эмас, балки барчанинг, бутун жамиятимизнинг, барча вазирлик, ташкилотларнинг вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди ва топшириқлар берилди. Айнан шу йиғилишдан кейин, 2022 йил 4 апрелда Президентимизнинг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда 5 та устувор йўналиш белгилаб берилди. Биринчиси, йўл инфраструктурасини такомиллаштириш, чорраҳаларни рақамлаштириш, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқувчиларга ўргатиш назарда тутилди. Айтиш жоизки, шу кунгача ушбу йўналишда Президентимизнинг 5 та, Вазирлар Маҳкамасининг 10 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 172-сонли қарори билан амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 140 дан ортиқ бандига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Қолаверса, автомобиль йўлларида ўлим ҳолатларини камайтириш, ҳайдовчиларга, пидедаларга ва мактаб ўқувчиларига йўл қоидаларини ўргатиш, мактаблар олдида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Президентимизнинг қарори билан “Хавфсиз ва раван йўл” Умумий миллий дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда беш йилга мўлжалланган вазифалар белгиланди. Масалан, бу дастур мактаблар ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнайди. Маълумки, республикамизда 10130 дан ортиқ умумтаълим мактаби бор. Дастурда мактаблар яқинида ҳаракат тезлигини 30 км/соатга тушириш ва мактаблар яқинида тезликни чекловчи сунъий тўсиқ ўрнатиш масалалари алоҳида йўл ҳаракати қоидалари сифатида кўрсатилди. Ҳозир Умумий миллий дастурда кўрсатилган вазифалар бошқарма-бошқич равишда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республика бўйича 4 мингга яқин мактаблар олдида сунъий тўсиқлар қўйилди.

Бошлангич партия ташкилотларида

ҚУЙИ ТАШКИЛОТ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ БЎЛСА, ПАРТИЯНИНГ НУФУЗИ ОРТИБ БОРАВЕРАДИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгашининг деярли 53 минг аъзоси 400 дан ортиқ БПТларга уюшган ҳолда фаолият олиб бормоқда. БПТлар фаоллари партия гоялари билан халқ ичига дадил кириб, одамларни улкан марралар сари етакламоқдалар.

Давлат дастурларини изчил ижро этиш, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ўз таркибидоғи БПТларга ҳар томонлама қўмакчи, фаол ҳамкор бўлаётгани ҳам яхши самара бераётти. Айниқса, БПТлар партиянинг ижтимоий сиёсий лойиҳаларига кенг жалб этилаётгани ҳам сиёсий кучнинг нуфузи ортишини таъминламоқда.

Комил САХАТОВ,
Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Қашқадарё технологик транспорт очик ҳиссадорлик жамияти бошлангич партия ташкилоти ва Қарши шаҳар кенгаши томонидан "Қунчиқар" МФИда ташкил этилган тадбир "Тозалик – саломатлик гарови" мавзусида бўлиб ўтди. Партиянинг "Тозалик йўлида бирлашайлик" лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбирда 22 та МФИдан ташриф буюрган маҳаллалар аҳли, партия фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шаҳардаги 30 та БПТ етакчилари қатнашди. Кун тартибидоғи долзарб масала юзасидан Қарши шаҳар ҳокими маслаҳатчиси, БПТ фаоли Ораста Тошева маъруза қилди.

– Буғунги учрашувда бошлангич партия ташкилоти томонидан ўртага қўйилган мавзу нихоятда долзарб эканлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман, – деди О.Тошева. – Дарҳақиқат, тозалик кунда керак, ҳар кун керак. Тозаликка риоя қилсак, турли юқумли касалликларнинг олди олинади. Ибн Сино бобомиз ҳам тозалikka қаттиқ риоя қилган эканлар. Бироқ буғунги кунда кўпчилик фуқароларимиз бу масалага панжа орасидан қараб келишяпти. Масалан, шаҳримиз кўчалари бўйлаб юрар экансиз, баъзи МФИлар ҳудудлари, йўл ёқалари ахлат чиқиндиларига тўлдириб ташланганини кўриб, таъбингиз хира тортади. Бунинг устига жуда кўп қабил савдо шаҳобчалари олдида фуқаролар томонидан эътиборсизлик билан баклашкарлар, селюфан пакетлари, қоғоз, тез айнувчи таом қолдиқлари ташлаб кетилапти. Бундай ноҳуш ҳолатларни бартараф этиш учун аҳоли орасида тарғибот тадбирларини ўтказиш муҳим деб ўйлайман.

– Қашқадарё технологик транспорт очик ҳиссадорлик жамиятида тузилган БПТнинг 60 нафардан ортиқ аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирок этиб келишяпти, – деди тадбирда партия вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Румиддин Раупов. – БПТ фаоллари томонидан "Тозалик йўлида бирлашайлик" шiori остида катта туртки бўлаёттир. Бу каби тарғибот учра-



шув ва тадбирлар жамоат жойларида тозалikka риоя қилмайдиган юртдошларимизни ҳушёрликка чорлабгина қолмай, балки бунинг учун жавобгарлик муқаррарлигини ҳам эслаб, масъулиятли бўлишга ундайди.

Тадбирда БПТ аъзолари томонидан ўтказиб келинаётган "Тозалик ҳафталиги" ҳам юқори савияда ташкил этилгани боис шаҳар кўчалари ва жамоат жойларида 350 дан зиёд чиқинди ташлайдиган темир қутилар ўрнатилгани таъкидланди. Бундан ташқари, БПТ фаоллари ташаббуси билан корхона, ташкилот, муассасалар ва аҳоли гавжум ҳудудларда, таълим мас-

канларида, оилаларда тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда "Тозалик ҳар кимга, ҳар кун керак" шiori остида ҳашарлар уюштирилаётгани ҳам ҳудудларимизнинг тоза-озода сақланишига катта ҳисса бўлиб қўшиляпти.

Тадбирда иштирок этган барча фуқароларга тиббиёт ходимлари ва мутасадди идоралар вакиллари томонидан тозалikka риоя қилиш узоқ умр қириш гарови эканлиги яна бир бор эслатилди. Қарши шаҳридаги 70 та БПТ ҳам ҳудди шу қуйи ташкилот каби фаол иш олиб боришга даъват қилиниб, улар фаолиятида йўл қўйлаётган айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Кўп сонли БПТмиз яна 60 нафар аъзони бирлаштирди

Маълумки, партиянинг халқ орасидоғи обрў-эътибори унинг таркибига бирлашган фаол аъзолари сонига боғлиқ. Шу боис ҳам партиямиз сафини фаол аъзолар, БПТлар сони ҳисобига ошириб бориш асосий мақсадларимиздан бири саналади.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Маъзур масалага устувор вазифалардан бири сифатида қараб келаётган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалидаги "Адолат" СДП бошлангич партия ташкилоти яна 60 нафар аъзони ўз сафига бирлаштирди.

– Икки юз етти нафар аъзога эва бошлангич партия ташкилотимиз партиянинг дастур ва мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда, ташкил этилаётган нуфузли маънавий, маърифий, сиёсий тадбирларда фаол иштирок этмоқда, – дейди БПТ раиси Атахон Тажиддинов. – Сафимизга яна олти нафар фаол аъзо қўшилди. Сафимизни янада кенгайтириб, партиямизнинг мақсадларини рўёбга чиқарамиз.

Бир сўз билан айтганда, бошлангич партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган бу каби ташаббуслар партиямиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, албатта.



Андижон томонларда



Ривожланиш йўлининг дастури

Жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси мамлакатимизни яқин йилларда ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Маъзур қонун ҳужжатидан кўзланган асосий мақсад – ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятнинг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳоли фаровонлигига эришишдан иборат.

Акбар НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Андижон вилояти ҳудудий бўлинмаси ва "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли" мавзусидаги давра суҳбати айна шу мақсадга қаратилди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар қўлами, қонун устуворлиги ва ҳуқуқий маданият ўсиб бораётгани ҳақида гапирдилар. Жорий йилда ўтказилган Референдум ва Президентлик сайловига фуқароларнинг сиёсий фаоллиги яққол кўзга ташланганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси бу борада яна бир катта қадам бўлди. У эндиликда қонун устуворлигини таъмин-

лаш, очиклик ва ошкоралик тамойилларининг таъсирчан шакллари жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

– Стратегия ислохотлар мазмундорлиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилли демокдир. Унда белгиланган мақсадлар жуда ўринли, – деди халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши раиси Мадаминжон МАДАЗИМОВ. – Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун хизмат қилади. Кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш барчамизнинг фаолиятимизда энг устувор вазифага айланishi шубҳасиз.

Давра суҳбати якунида партиянинг "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган вазифалари белгилаб олинди.

Етакчи суст бўлса...

Ҳар қандай соҳада етакчининг фаоллиги, ташаббускорлиги ва жамоадорлигини ўз ортидан эргаштира билиши ютуқларга бошлайди. Аксинча, агар етакчи суст бўлса, қутимизга натижага эришиши қийин.

"Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши фаолларининг ўз-ўзини танқид руҳида ўтган навбатдаги йиғилишида айна шу масала ўртага қўйилди. Вилоят партия кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов йилнинг ўтган даврида ҳудудий кенгашлар томонидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш баробарида камчиликларни танқид қилди. Сиёсий партия етакчиси учун фаоллик, ташаббускорлик шартлиги, бироқ айрим ҳудудий кенгаш раисларида ташаббускорлик етишмаётганини салбий баҳолади.

Тўғри, партия лойиҳалари асосида жамоатчилик орасига кириб бориш, партиявий тадбирларни ташкил этишда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Маҳаллий кенгаш сессияларига долзарб масалалар киритилаётгани ҳам қувонарли. Бу хайрихоҳларимиз сафининг кенгайишига, фуқароларда партияимизга бўлган ишончнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Сафимизга янги аъзоларни қўшиш, аъзолик бадалларини йиғишда Булоқбоши, Бўстон ва Андижон туманларининг кўрсаткичлари қониқарсиз. Хонобод шаҳар, Қўрғонтепа ва Оптинкўл туманларида ҳам ўзгариш қилиш зарур. Бу ўз-ўзидан ана шу ҳудудларнинг фаоллари ишни самарали ташкил этмаётганини кўрсатади.

– Амалдаги йил сиёсий воқеликлар билан биз, партия етакчилари учун том маънода синов йили бўлди, – деди "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатхон Мусаева. – Жамоатчилик томонидан "Адолат" СДП қўллаб-қувватлангани қувонарли. Бироқ фаолиятимизни янада кучайтириш зарур. Бу борада партия етакчиларининг фаоллиги катта аҳамиятга эга. Агар улар суст бўлса, сиёсий майдондаги ўрнини йўқотиб қўйиши мумкин. Буғунги танқидий фикрлардан кенгаш раислари етарли ҳулоса чиқариб ишда ўзгариш қилишига ишонаман.

Йиғилиш якунида фаол етакчиларни рабатлантириш, самарасиз иш олиб борганларга эса интизомий жазо қўллашга қарор қилинди.

Инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ўйлаганда турли ҳолатлар кўз олдимизга келади. Баъзан Яратгандан омадимни бер деб сўраш, аслида, яхши одамга дуч келтиришни сўраш эмасмикин, деган ҳаёлга ҳам борамиз. Чунки “омад” деганлари кўзга кўринадиган нарса эмас-да, лоп этиб олдингдан чиқиб қолса! Лекин бир одамнинг яхши маслаҳати ёки насиҳати кўп эзгуликларга йўл очини мумкинки, худди шунини “омад” деса бўлади.

Кўплаб шогирдларнинг устози, профессор Бойбўта Дўстқораев ҳақида ўйлаганимда, ана шундай фикрлар ҳаёлимдан ўтди. Чунки устоз билан бўлган тасодифий учрашув менинг ҳаёт йўлимни бутунлай бошқа изга солиб юборган.



Сабр тўнини кийган устоз

Ҳақим САТТОРИЙ

...Кекса ота-онамнинг хизмати қилай дея ўйлаб, бола-чақали бўлиб, қишлоқда қолиб кетгандим. Гарчи сиртдан ўқиб, олий маълумот олган, мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб, бинойидек ишлаб юрган бўлсам-да, кўнгилда бир армон яшарди: мактабни битираётганда “ким бўласан?” деган саволга “журналист бўламан” деб жавоб берганман ва шу жавобим менга тинчлик бермасди. Билмадим, журналист деган сўзнинг жарангми (ростдан, бу сўзнинг садоси кўпларни мафтун қилиб қўяди) ёки ризқим шу соҳадан эзилгани ҳақиқат эканми (қарийб қирқ йиллик онгли ҳаётим шу соҳада ўтапти), ўзимни енга олмас ва ўша ҳаёлий қисматга интилардим.

Ажойиб кунларнинг бирида синфдош дўстим Болта билан минг бир илмиж қўршовида Тошкентга йўл олдик. Бу пайтга келиб, чамамда, журналист бўлишдан умидимни ҳам узган (бу соҳа қўл етиб бўлмас арши аёло туюларди), лекин тор муҳитни тарқатишни дилимга туккадим: ўша пайтларда ўқитувчининг обрўси тушиб кетган, умри пахта дала-сида ўтади, чаласавод бригадир ҳам хўжайин... Ботинимда нимадир ғимирлар, шеърлар ёзар, редакцияларга жўнатиб, тўмтоқ жавоблар олар, оғриган бошим жавоблардан яна баттар оғрирди. Туман, вилоят газеталарига хабарлар ёзиб турар, ҳатто жамоатчи мухбир ҳам бўлиб қолгандим. Илмий-педагогик мавзуда мақолалар ёзардим, улардан икитаси Халқ таълими вазирлигининг нуфузли журналида эълон ҳам қилинганди. Хуллас, нимадир ичкарида безовта қилар, уни енгиш иложи бўлмас, имконият эса чекланган эди.

Ниҳоят, “Ҳар кунни ўлгандан бир кун ўлган афзал” деганларидек, кўзни чирт юмиб, пойтахтга йўл олдим ва иқтидоримни чамалаб, феълимда воқеа-ҳодисалар моҳиятини англашга интилиш, борлиқни яхлитликда ва кечаётган воқеаларни узвийликда тасаввур қилиб, хулосалар чиқариш иштиёқи борлигидан фалсафа йўналишида ўқийман, деб ният қилдим. Ниятимни фалсафа факультети раҳбари – назокатли аёл хонимга баён қилганимда, “Сиз тайёр файласуфсиз” дегандек қилиб, “Ундан кўра илмий иш қилинг, бу ўқишдан маъни йўқ” деган жавоб бўлди. Мени қабул қилишмас экан. Жуда хафа бўлдим, ўртоғим далда берди. Бош қотди. Қайтиб кетаверишга эса оёқ тортайдими. Қандай орзуларим бор эди-я?!

Айни паллада тоғликларга хос ўжарлигим тудимни ё ризқ-насибда тортиб турган эканми, менда тасодифан ўша қўл етмас маскани бир қўриш иштиёқи жўшурди. Энг охириги илмиж сифатида журналистика факультетига бориш, бу даргоҳнинг бахтли студентлари қандай шароитда ўқитганини кўриш ҳамда майдонни бир айланиб, юракдаги оловга сув

сепиш ва ...шундан кейин қайтиб кетиш истаги бош кўтарди. Суриштириб, факультетни топдик.

Коридор бошида тик туриб, хилват йўлакни кузатдим. Унда тасаввуримдаги ўзгача бир улуғворликни сезмадим, одми таълим даргоҳи. Поллари ўйланган, эшиклари қирилган, нимаси биландир ишлайётган мактабимга ўхшарди ва шуниси билан дилга яқин эди.

Занг чалинди, талабалар коридорни тўлдиришди. Уларга разм солдим, ҳаммаси ўзимга ўхшаш қора кўзлар. Алоҳида бир синонатни сезмадим. Юрак ютиб, олға босдик, йўлакнинг охирида кенг айвон бор экан, давомида яна хоналар, уларнинг баъзилари эшиги очик ёки ёпиқ, одамларнинг гангур-гунгури эшитилиб туради.

Кутиб турдик, ҳаяжондамиз. Шу аснода ўрта бўйли, тўладан келган илғит ўнг тарафдаги хонадан чиқиб, қарши хонага кириб кетди. Менимча, мавриди келган эди, бир куч илгари бошладим. Салом бериб ичкарига кирдим-да, “Қашқадарёдан келгандим, бир маслаҳат керак эди...” деб гап бошладим. Сўхбатдошим мени ўтиришга таклиф қилди ва мен “дийдиё”ми бошладим.

Анча узок гаплашдик. Ҳамма гапни айтдим, “домла” ҳафсала билан тингладим. “Ёшингиз катта бўлиб қолган экан, яна оила, бола-чақа... Қийналмайсизми?” деган аёлчи саволлар бўлди. Мен бироз эҳтиросга берилиб, “Ўқишга кириш насиб этса, пол ювишга ҳам, ҳар қандай топшириқни бажаришга ҳам розиман” тарзида жавоблар бердим. Сўхбатдошимнинг одамхонлиги, гапларимни бўлма, ҳафсала билан тинглаши, саволлар бериб туриши далда бўлиб, роса “тўкилдим”. Хуллас, шу сўхбатдан мудраган тўйгуларим жонланиб, ухлаган ҳисларим уйғониб, қанот ёғлаб чиқдим. Мулоқот моҳиятидан талаба бўлиш учун бажаришим керак бўлган вазифаларни ҳам аниқ белгилаб олдим: қишлоққа қайтгач, газеталар билан алоқаларни кучайтириш, мақолалар чиқариш, мустақил равишда чет тилини ўрганиш...

Шундай қилиб, толеим кулиб, ўша йили ўқишга кирдим. Гарчи кеча ўзимдан сабоқ олган болалар билан курсдош бўлсам-да, бундай майда-чўдаларга парво қилмас, эсини таниб қолган одам сифатида ўз йўлимни белгилаб олган, биринчи навбатда, мутолаа билан жиддий шуғулланардим. Завқли ва тароватли ҳаёт кўйида эдим. Аммо бир нарсдан хижил бўлардим: менга тўғри маслаҳатлар берган, кутб юлдузидек йўлимни ёритиб, олдинга бошлаб юборган устоз кўринмасди. Ушанда ҳатто тортинчоқлик билан исом-шарифларини сўраб олганимдан ўзимни койирдим...

Ниҳоят, иккинчи курсда, саодатли лаҳзаларнинг бирида худди шу зот яна қаршимда пайдо бўлди. Бу киши устоз Бойбўта Дўстқораев эди. Танаффусда бир йил олдинги гапларни эслат-

дим. Домланинг чехраси ёришиб, “Жуда бир сўзли бола экансиз-да. Энди яхши ўқинг” деди.

Менинг орзуимдаги маскан – факультетда жуда ҳаётбахш об-ҳаво ҳукмрон эди. Жуда тортинчоқ эканлигимни шу ерда сездим, рус ва ўзбек тилларида баравар гапирадиган, маъруза ўқийдиган устозлар мактабда рус тили таллим сабоқ тингламаган қишлоқчи бола учун мўъжизадек туюларди: бошқа тилини шунчалар раво элаштириш мумкин экан-да!

Устозлар ўз ўқувчиларини авайлар, улар борлиғида буюк бир куч яширинганига ишонардилар гўё. Шундай ҳам бўлиб чиқарди. Журналистика факультети миллий зиёлилар сафини тўлдириб бераётгани билан ифтихор қиларди. Бу даргоҳнинг қучоғи саховатли эди, негаки, устозлар улуг шахслар эди. Уларнинг сафиди Бойбўта ака муносиб тарзда эътироф этиларди.

Ана шундай муҳитда мен ҳам ўз оролимни излар, қайноқ дамлаб бағрида эдим. Бойбўта домланин маърузаларини қолдирмай тинглар, репликалари-у қилиқларига қарай қўйиб борардим. Амалий топшириқларини қолдирмай, юқори даражада еплашга уринардим. Машқларимни ўқиб, кўнгли тўлиб борди, чамаси, устоз бир сафар менга нисбатан “қалами ўткир...” иборасини ишлатди.

Бойбўта акадек етук устознинг ҳатто фан номзоди эмаслиги бизни қизиқтирарди, албатта. Кейинчалик маълум бўлдики, аввало, ташқи сабаблар туфайли илмий раҳбар (Очил Тоғаев)ни алмаштиришга тўғри келган. Кейин эса мавзу ҳақиқатан “огир” – ўша пайтларда тўлиқ “оқланмаган” жаидилар фаолияти юзасидан экан. Тадқиқотчи тезроқ олимлик дипломини олишга шошилмай, рўшнолик кунларини кутаётган, ўзи тадқиқ қилган мавзунинг бутун бўй-бастини билан илм оламига олиб киришни жуда-жуда истаган экан. Шундай қилиб, кандидатлик ишнинг ҳимояси оз эмас, кўп эмас 17 йил чўзилган. Ҳа, атайлаб, сунъий равишда чўзилган.

Бойбўта Дўстқораев ана шундай дунёда умргузаронлик қилар, кутмиш ва умид қилишининг яшил хиббониди сабр тўнини кийиб, йилларини изтиробда ўтказиб, яшаётган, улғаяётган эди. Ниҳоят, мустақиллик бу эътиқодли илм шайдомига ҳам рўшнолик ато этди, олимлик йўлидаги тўсиқлар бартараф этилди, қўлчони кенг қўйиб, ишлаш имкони туғилди. Шундай ҳам бўлди. Маърузаларида дунё журналистикасининг энг яхши намуналарини таҳлил қилиб, соҳанинг кўплаб машҳурлари ҳаёти ва ижодини тилга олиб, салмоқли мулоҳазалар билан талабаларни ҳайратлантириб юрган иқтидорли олим эътиборли устоз-муаллимлардан бирига айланди. Матбуот назарияси ва амалиёти кафедрасининг доценти, кейинчалик профессор бўлиб, олий таълим соҳасида узок ва самарали фаолият кўрсатди. Хизматлари эътироф

этилиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвони яхши ўқинг” деди.

Йиллар шу тарзда ўтди, ҳаётнинг илгариланма ҳаракати ҳамма нарсага илгаритиб, янгилаб бораверди. Бу орада шогирдлар ҳам улғайиб, ўз йўлини тайин этиш борасида амалий қадамлар қўйдилар. Жумладан, мен ҳам 5 йил вилоят газетасида ишлаб, яна пойтахтга қайтдим ва устоз билан бақамти бўлдим. Бойбўта Дўстқораев тўла ҳуқуқ билан устоз мақомини қозongan эди. Шунингдек, соҳанинг жонли ҳаётини кузатиб, долзарб мақолалар ёзарди. Журналистика табиатан ижод, у қалб фангазаяси, руҳоният тафаккури маҳсули. Шунинг учун муаллимнинг ижоди тадқиқ қилиб турилиб, қалам-қашнинг униб-ўсиши, хотолардан воз кечиш, муваффақиятларни мустаҳкамлаб бориш, “маҳсулот”нинг харидоригар бўлиши самарали кечади. Шу маънода журналист фаолиятига тадқиқотчининг назари сув ва ҳаводек зарур.

Миллий журналистикамазда яхши анъана бор эди: устоз олимлар шогирдларининг ижодини кузатиб бориб, вақтли матбуотда шарҳлар билан чиқардилар, яъни журналистнинг ёзганларини таҳлил қилиб, ўз муносабатларини билдирар эдилар.

Шу эзгу амал руҳида энди мақолаларни эмас, китобларни устозларга тақдим қилиб, уларнинг муносабатини билишга интилдик. Жумладан, Бойбўта акага бирин-кетин чоп этилган учта китобимни совға қилдим. Албатта, умидим матбуотда ул зотнинг муносабатини кўриш, шу билан кейинги режаларни таҳрир қилиб олиш эди. Мен беҳабар эканман, шу дамларда махсус топшириқ билан ўзбек журналистикаси тарихи бўйича ўқув қўланмаси тайёрлаш билан жиддий банд экан. Лекин ҳар сафар учрашганимизда муносабатлар самимий, мутолаадан олган таассуротларини нигоҳлари ёришиб изҳор этар, “Болагансиз” деб муттасил такрорлар эди. Вақт эса тўхтаб турмас, тирикчилик арабаси турли манзиллардан олиб ўтарди. Афсуски, умр ҳам бевафо экан, ҳаммаси насияга қолди кетди. Кутилмаганда беморлик устозни тўшаққа ётқизиб қўйди.

Устознинг 70 ёшга тўлиши қандай байрам қилингани кўпчиликнинг ёдида. Ўзгача бир самимият, саховат, ўзбекна бағрикенглик уффури турганди тадбирларда. Зеро, чинакам журналистикага, устозга муносабат бундан ўзгача бўлиши мумкин эмасди. Бойбўта Дўстқораев маърузаларида таъкидлагандек, журналистиканинг марказида инсон олами ва унинг манфаатлари туради. Ҳаёт ҳақиқатини тасдиқлаш бу соҳа вакилларининг муқаддас вазифаси бўлиб қолаверади. Бу борадаги фаолият изчил давом этар экан, ҳар доим қаламқашлар шайланиб майдонга тушавердилар ва уларнинг меҳнатидида устозларнинг сабоқлари қурол, ғалабага қорловчи маёқ бўлиб хизмат қилаверади.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари шу кеча-кундузда аҳоли ўртасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида илгари сурилган гоьларни кенг тарғиб этишяпти. Шу билан бирга хонадонларга ташириб буюриб, одамлар билан юзма-юз мулоқот уюштиришмоқда.

Касб-ҳунардан барака топаётганлар

Ҳусниддин БЕРДИМУРОДОВ,
партия фаоли



Депутатлик гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши давлат университети ўқитувчиси, профессор, устоз Муҳаббат Шаропованинг Қарши шаҳридаги “Худой-зот” МФЙ фуқаролари билан юзма-юз мулоқоти, айнисқа, самарали кечди. Одамлар ўзларини қийнаб келаётган турли масалалар билан депутатга юзланишди. Муаммоларнинг асосий қисми жойида ҳал этилди. Маҳалла раиси, “Адолат” СДП фаоли Ёъзам Қаримовнинг депутатга мурожаати алоҳида эътиборни тортиди. Маҳалла ички йўлларини ўрганган депутат 18 та кўчани асфальт қилишга эҳтиёж борлигини аниқлади. Бу муаммо шаҳар ҳокимлиги ва унинг тасарруфидидаги масъул идоралар масъуллари иштирокида бартараф этиладиган бўлди.

Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида 37 та йўналишда касба тайёрлаш учун ўқув курслари ташкил этилган. Уни ҳозиргача 11 та касб, яъни тикувчи, аёллар сартароши, косметолог, нейлстилист, ошпаз, қандолатчи, официант-батлер, уқаловчи, ёш болалар учун энага, ёрдамчи тарбиячи, кичик меҳр-шафқат ҳамшираси каби йўналишлар бўйича 150 нафардан ортиқ фуқаро тамомлади. Ўқув курсларини битирган фуқароларни иш билан таъминлашни Муҳаббат Шаропова ўз назоратига олган. Унинг тегишли идораларга мурожаат билан чиқиши натижасида 7 нафар фуқаро ишли бўлди. 100 нафари эса ўз-ўзини банд қилди. 6 нафар фуқаро субсидия олди, қолганлари ҳам турли йўналишларда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

– Ҳозир ҳам мономарказда 200 нафардан ортиқ тинловчилар касб-ҳунарга ўқитилмоқда, – дейди партиядошимиз, муҳтарам устоз Муҳаббат Шаропова. – Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаганлар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, оилаларига моҳдий даромад олиб кириш баробарида бошқаларни ҳам иш билан таъминламоқда. Бу эса олдимизга қўйган мақсадларимизга эришяётганимиздан далолатдир.

Машаққат ортидан эътибор ва қадр топдим

Бухоро туманидаги Ижтисослаштирилган мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёти фанлари ўқитувчиси Феруза Эргашева нафақат ўз жамоасида, балки туманда, вилоятда ўз ўрнига эга тажрибали устозлардан. Ўқувчилари ҳар илли республика олимпиадалари ва турли ижодий танловларнинг вилоят ҳамда республика босқичларида юқори натижаларни қайд этиб келишмоқда. Илгор иш тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилган.



Ўқитувчи ва мураббийлар кунини арафасида устозни сўхбатга тортидик. – Мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида иш бошлаганимиз 22 йил бўлди, – дейди муаллим. – Шу фурсат оралиғида муаллимликнинг не чоғи машаққатли ва масъулиятли касб эканлигини ҳис этдим. Мабоодо умр гулдирари тескари айланиб, менга танлаш имконияти берилганида, ҳеч иккиланмай яна ўқитувчиликни танлаган бўлардим. Тинимсиз изланишлар, ҳаловатсиз кунлар, уйқусиз тунлар... Ҳўш, бу машаққатлардан нима топдинг, деувчилар кўп. Мен бу қийинчиликлар ортидан меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор ва қадр топдим. Топганларим олдида ўқитувчиларнинг қиймати заррадек, назаримда. Спортчи чемпион бўлишни истаса, аскар генерал бўлишни, санъаткор ўз санъати билан элга танилишни мақсад қилади. Қайси соҳа вакили бўлмасин, ўзини шахсий ривожлантириш ва бу орқали юқори натижаларга эришишни истади. Фақат муаллимгина ўзининг эмас, шогирдларининг камолини кўзлайди. Уларнинг ютуқларидан куч олиб, бахтиёрлик ҳиссини туйди. Мен ана шу бахтни туйдим ва унинг нашилдаси қанчалар тотли бўлишини сўз билан таърифлаш мушкул.

”Мактаб – буюк даргоҳ

- Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитганин ранж ила, Айламак бўлмас адо анинг ҳақин юз ганж ила. А. НАВОИЙ
- Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир. Ж. ДАНТОН
- Мактаб, ўз системасида мужассамланган асосий предмет ва принципларига кўра, халқлар ва давлатлар турмуши ва тақдирини белгилашда бағоят буюк кучдир. Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ
- Бизга таълим бераётганлар ҳақин равишда бизнинг ўқитувчиларимиз деб аталадилар, аммо бизни ўқитаётганларнинг ҳар бири ҳам бу номга лойиқ эмас. И. ГЁТЕ
- Кимки болаларни уларнинг ўзлари ўзлаштира оладиган даражада эмас, балки мен ўзим истаган даражада ўқитишим зарур, деб ҳисобласа, у мутлақо калтабиндир. Я. КОМЕНСКИЙ
- Болаларга ўқитаётган дарслар уларнинг ёшига мувофиқ келмоғи лозим, акс ҳолда, уларда ўзбилармонлик, ўзига бино қўйиш, мағрурланиш касали хавфи тугилади. И. КАНТ
- Одамларни ҳамма нарсага ўргатишадими-ю, аммо андишага ўргатишмайди, ҳолбуки улар билимдонлик билан эмас, ўзлари ҳеч қачон ўрганмаган ўша андишалар билан ажралиб туришга кўпроқ интиладилар. Б. ПАСКАЛ
- Чиройли ҳайкалча ясаб, унга ҳаёт бахш этмоқчи яхши, аммо ёш ақлни улғайтириш, ёш қалбни ўзига хос шакллантириб, унда адолат туйғусини жонлаштириш янаям яхшидир. В. ГЮГО



Бугуннинг гапи



Ибраг

Нон сотувчи қиз



СИФАТЛИ ТАЪЛИМ УЧУН ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Таълим соҳасида ўтказилаётган бугунги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад таълимнинг сифатини оширишга эришишдир. Ҳўш, сифатли таълим тушунчаси ўзида қандай маъноларни акс эттиради, қандай таълимга сифатли таълим дейилади?

Ўткир Жўраев, Бўка туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати

Сифатли таълим - бу, ўқувчининг ҳар бир фан бўйича Миллий ўқув дастурида кўзда тутилган билимлар мунимини пухта ўзлаштириб олишини таъминлайдиган ва ўқувчиларда жамоа бўлиб ишлаш олиш; ўқитувчи билан мулоқат қила олиш; янгиликларга қўл ура оладиган, янги гоълар ўйлаб топадиган, ишчиричилик, муаммоларни ўзи ҳал эта оладиган; ўзининг мустақил фикрига эга бўлиш ҳамда уни шифодай олиш, у ёки бу масалага танқидий ёндаша олиш кўникмаларини шакллантириши зарур бўлган таълимдир.

Сифатли таълим тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи санаб ўтилган 5 та унсурни пухта билиш, уларни ўқувчиларда қарор топтиришга имкон берувчи замонавий методларни пухта эгаллаб олиш ҳар бир ўқитувчининг касбий вазифасидир.

Таълимнинг сифати ўз-ўзидан ошиб қолмайди, албатта. Бунинг учун, аввало, мустаҳкам ҳуқуқий ва меъёрий асослар яратилмоғи лозим эди. Шунинг учун ҳам Президентимиз 2022 йилнинг 11 май кунини таълим соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг 2026 йилгача бўлган йўналишини белгилаб берувчи икки муҳим ҳужжатни - "2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги фармон ва "Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Мазкур ҳужжатларга кўра: - мактаб таълимига илгор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Миллий ўқув дастурини босқич-ма-босқич тўла жорий этиш; - мактаб ўқувчиларида билим ва кўникмаларни шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш; - ўқитувчи касби нуфузини ва уларнинг сифат таркибини ошириш; - замон талабига жавоб берадиган дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни тайёрлаш; - мактабларнинг халқаро стандартларга мос келадиган замонавий моделини яратиш талаб этилади.

Педагогикада "Таълимнинг сифати - ўқитувчиларнинг сифатидан юқори бўла олмайди", деган қоида бор. Бирок бу қоида кўп йиллар давомида унутилди. Бу қоида эсланган эса ўқувчиларда замон талабига мос билим ва

кўникмаларни шакллантириш биринчи навбатда ўқитувчининг ўз фани бўйича билими ва касбий маҳорати даражасига боғлиқлиги яна эътироф этилди. Шунинг учун ҳам педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этиш бошланди. Ана шу баҳолаш тизими асосида ўқитувчи билим ва касбий маҳорати баҳоланган, унга тегишли сертификат берилди ва ўқитувчи ҳар ойлик қўшимча устама сертификатларнинг даражасига - халқаро, миллий ёки Давлат тест маркази томонидан жорий этилганга қараб тўланади.

Ўқувчиларга пухта билим бериш ва уларда зарур кўникмаларни шакллантириш муаммосини ҳал этиш, айна пайтда, ўқитувчининг ўқитишнинг замонавий методларини қанчалик пухта эгаллаб олишига ҳам боғлиқ. Бу муаммони ҳал этиш учун педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари (Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари негизда) ва А.Авлоний номли институт негизда Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Президент қароридида муҳим янгиликлардан яна бири - 2024 йилдан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи синфларида яқиний давлат аттестациясининг (имтиҳонининг) Давлат тест маркази томонидан ўтказилишининг назарда тутилаётганлигидир.

Агар бу тартиб амалда қўлланилса, ҳеч шубҳасиз, ўқувчиларнинг, ота-оналарнинг, жамоатчиликнинг ҳам таълимга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради. Ўқитувчида эса ўқувчиларга пухта билим беришдан бошқа имконият қолдирмайди.

Ана шунда Президент фармони ва қарори халқ таълимини сифат жиҳатдан замон талаби даражасига кўтаришга хизмат қилади. Шу ўринда савол туғилади, нега ўтган 30 йил мобайнида таълим сифатига эътибор берилмади? Аввало, юқори раҳбар ташкилотлар масъулларининг хатоси туфайли жамоиятда халқ таълимига, ўқитувчиларга нисбатан паст назар билан қараш муҳити шаклланди. Ўқитувчи меҳнатининг қадрланмаганини ва мактаб-

лар моддий-техника базасининг но-чор аҳволда қолдирилиши устозларда лоқайдликни вужудга келтирди. Иккинчидан, замон талабига жавоб берадиган Миллий таълим тизими яратилмасдан туриб, совет таълим тизимидан кўр-кўрона воз кечилди.

Оқибатда, 1998 йилдан бери таълимни ислох қилиш шiori остида мактабларда амалда ҳеч қандай наф бермаган, ҳали у давлатнинг, ҳали бу давлатнинг антика педтехнологиялари татбиқ этила бошланди. Чунки бизда таълими бўйича қарор қабул қилиш ва унга раҳбарлик қилиш бу соҳада лозим даражада тушунчага эга бўлмаган, таълим тизимида ишлаб кўрмаганлар қўлида қолди. Ана шу компетентсизлик оқибати ўлароқ амалда ўзини оқламаган 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилган эди. Касб-хўнар таълими эса касб-хўнар коллежларининг битирувчилари иш билан таъминланмаганлиги учун жамоиятда обрўсизланди.

Қанча ва қанча қарорлар қабул қилинмасин, таълим сифатини оширишда асосий фиғура - ўқитувчи ҳисобланади. Ўқитувчи ўз меҳнатига яраша иш ҳақи олмас экан, сифатли таълим ҳақидаги фикрлар, кўрсатмалар орзу-умидлигича қолиб кетаверади.

Бинобарин, таълим сифатини оширишнинг асосий омили - ўқитувчи меҳнатига тўланадиган иш ҳақининг юқори бўлишидир. Бу ўринда Сингапур давлатининг собиқ Бош вазири Ли Кун Юнинг куйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиз. "Мамлакатни ривожлантириш учун мен ҳеч қандай мўъжиза яратмадим. Мен ўқитувчининг обрўси ва марқебини юқори даражага кўтардим. Унинг ойлик маошини мамлакатда энг юқори маош даражасига олиб чиқдим, холос. Натижада ўқитувчилар мамлакатни ривожлантирдилар. Бунинг учун улардан миннатдорман".

Хўш, бу масалада бизда ҳозир аҳвол қандай? Яқинда Ўзбекистон телевидениесида ўқитувчиларнинг иш ҳақи мамлакат бўйича ўртача иш ҳақи шкаласида охириги ўринда туриши очикланди. Бундан ташқари, ўқув режаларида дарс соатлари камайтирилиб борилмоқда.

Масалан, 2021-2022 ўқув йилида дастлаб умумтаълим мактаблари ўқув режаси 10 фоизга камайтирилди. Лекин ўқитувчи ставкасининг миқдори (бошланғич синфларда - 18 соат, 5-11 синфларда - 20 соат) ўзгаришсиз қолдирилди. Аслида ставка миқдори ҳақи 10 фоизга камайиши керак эди, яъни энди 1 ставка миқдори бошланғич синфларда 16 соатга, юқори синфларда эса 18 соатга туширилиши лозим эди.

Тўғрисиини айтганда, мактаб жамоалари эртага яна қайси штат бирлиги ёки қайси фанга ажратилган ўқув соатлари қисқартирилиши мумкинлигидан хавотирга тушиб қолишган. Шундай ш-

роитда вазирлик ўқитувчи манфаатини қанчалик ҳимоя қила олади?

Ахир ўқитувчининг 1 ставка ҳажмида ишлашга ҳақи бор-ку! Бизнинг яқин тарихимизда бошланғич синфларда 1 ставка миқдори 14 соатни, юқори синфларда 16 соатни ташкил этган даврлар ҳам бўлган эди.

Ҳурматли мутасаддиларимиз айтсинлар-чи, ҳозирги кунда республика миқдорида ўқитувчиларнинг неча фоизи тўлиқ бир ставка юклама билан ишлайтир экан? Негаки, ўқитувчининг базавий таъриф ставкасини тоифасига қараб 5-6 миллион сўм этиб белгилаш ҳам унинг ўз ишига муносабатини кескин ўзгартириб юборишига шубҳа йўқ.

Энди икки оғиз сўз - синфларни бўлиб ўқитиш тўғрисида. Маълумки, ҳозир синфда ўқувчи сони 25 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин (информатика, технология, жисмоний тарбия, рус тили, чет тили) бўлиб ўқитишга рухсат этилган. Бу ўринда асосий муаммо - технологияни бўлиб ўқитишда. Агар ўқувчилар сони 24 нафар бўлса ҳам, бу фан бўйича ўқил ва қиз болаларга битта ўқитувчи дарс бермаслиги керак. Шунинг учун юқорида санаб ўтилган фанларни ўқувчилар сони 20 ва ундан ортиқ бўлганида, технология фанини эса синфдаги ўқувчи сонидан қатъи назар иккига бўлиб ўқитишга рухсат этилиши лозим.

Тўғри, давлат бюджет ҳисобидан умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг иш ҳақини бир вақтда тўла даражада ошириш имконсиз. Бироқ мактаб ўқитувчилари иш ҳақининг энг паст даражада қолиши ҳам адолатдан эмас.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, таълимнинг сифатини оширишнинг моддий-техника базасининг қанчалик замонавий бўлишига ҳам боғлиқ, Сир эмаски, бугунги кунда бизда кимё, биология, физика ва айниқса, технология фанларининг моддий базаси ўта ноқор аҳволда.

Бу муаммолар босқичма-босқич ҳал этилади, албатта. Бироқ Президент қарорининг 7-бандида вилоятлар ҳокимликлари олдига қўйилган 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида умумий ўрта таълим муассасаларининг технология фани устозларини ҳамда касб-хўнар амалиёти хоналарини босқичма-босқич ташкил этиш ва жиҳозлаш чораларини кўриш, қарорнинг 4-бандида қайд этилган 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб 400 нафаргача ўқувчиси бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида Интернет тезлиги камида 40 мбит/с, ўқувчилар сони 400 нафардан юқори бўлганларда камида 100 мбит/с бўлишини таъминлаш ҳақидаги топшириқларнинг амалда бажарилиши таъминланмаётганлиги ачинарлидир.

Умид қиламизки, мутасаддилар юқорида айтилган танқидий фикрларга эътибор қаратадилар. Зеро, таълимнинг сифати учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Бу воқеа Суданнинг Рифий ал-Маноқил деб номланган минтақасида бир муаллим билан бўлиб ўтган.

Бу муаллим қизлар ибтидоий мактабда геометриядан дарс бера экан. Бир кун у мактаб деразасидан кўринишидан беғуборлиги кўриб турган кичкина қизчани кўриб қолади. У онаси пишириб берган нонларни сотар экан. У мактаб ёшига етган, аммо оилавий шароити туфайли мактабга бормаган эди. Унинг тўртта ака-укаси бўлиб, отаси вафот этган, тирикчилик учун онасига ёрдам бера экан. Укаларининг мактабга киришларини, ўқишларини жуда-жуда истар экан.

Муаллим бир кун қизларга геометриядан бир масалани шарҳлаб турар экан, нон сотувчи қизча мактаб деразасидан мўралади. Муаллим ўқувчиларга қийин бир масалани бериб, ким тўғри жавоб берса, мукофотлашини айтди. Муаллимнинг саволига ҳеч бир ўқувчи жавоб бера олмади. Шунда нон сотувчи қизча саволга жавоб бермоқчи бўлиб деразадан қўлини силкитиб: "Устоз, устоз!" деди. Муаллим унинг жавоб беришига рухсат берди. Қизча саволга тўғри жавоб берди.

Ана шундан кейин муаллим унга эътибор бера бошлади. У ўзининг маблағидан қизчанинг мактабда ўқиши учун нима керак бўлса, барчасини олиб берди. Мактаб мудирини билан гаплашиб, қизчани имтиҳон билан мактабга қабул қилишини сўради. Имтиҳондан сўнг уни бирдананиг учинчи синфга тингловчи сифатида қабул қилишга қарор қилишди. Муаллим бошқа устозлар билан ҳам гаплашиб, қизча уларнинг дарсини ҳам тинглаши учун рухсат олди. Улар бунга рози бўлишди. Муаллим бу қарорни қизчанинг онасига етказди.

Хуллас, муаллимнинг эътибори ва ёрдами билан қизча ибтидоий босқичдан токи санавий босқичга ўтгунича яхши ўқиди.

Муаллим ишлаш учун Суданни тарк қилишига ва хорижга кетишига тўғри келди. Қизча билан алоқаси узилиб қолди...

Қизчанинг укаларидан бири катта бўлиб, аравада сув сотиб юриб, унинг мактаб харажатларини қоплаб турди.

Хуллас, орадан ўн беш йилча ўтиб муаллим яна Суданга қайтди. Унинг Хартурмадаги тиббиёт университетига бир ҳамкасб дўсти бор эди. Шу таниши муаллимдан университетга ишга келишини илтимос қилди.

Бир кун муаллим университет ошхонасида турганида бир қиз унга узоқ тикилиб қолганини сезди. Муаллим унинг нега бунча термулиб қолганининг сабабини била олмади. Муаллим дўстидан қизни таниш-танимаслигини сўради.

Дўсти деди: - Албатта, танийман. Бу қиз тиббиёт факултетининг профессори-ку!

Шунда ҳалиги қиз югуриб келиб муаллимнинг қўлларини ўпа кетди. У ҳўнграб йиғлар эди. Ошхонадагилар ҳайрон бўлиб уларга қарашарди. Кўпчилик муаллимни қизнинг отаси, деб ўйлади.

Шунда қиз йиғидан ўзини тийиб деди:

- Устоз! Мени танимадингизми? Мен синиб, парчаланган бир инсон эдим. Сиз у синиқлардан бутун бир инсонни бина қилдингиз. Менинг мактабга киришимга сиз сабаб бўлгансиз. Ўз маблағингиздан менга сарф қилгансиз. Буларнинг барчаси, аввало, Аллоҳнинг фазли, қолаверса, сизнинг эътиборингиз, инсонийлигингиз туфайли бўлди. Мен қизингизман!

Муаллимнинг хаёлидан "Шу онларда биринчи бор ўзимни устоз ва инсон ҳис қилдим!" деган сўзлар ўтди.

САЛОМЛАР БЎЛСИН БУНДАЙ УЛУҒ УСТОЗЛАРГА! БИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗГА ҲАЁТНИНГ МАЪНОСИНИ ЭККАН ЗОТЛАРГА МИНГЛАВ САЛОМЛАР БЎЛСИН!

Доктор Ҳассон Шамсий ПОШО

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI logo and contact information.

Boш мухarrpир: Ислom ҲАМРОЕВ. Тахрир хайъати: Бахром АБДУҲАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Мухаммад А.ЛИ, Гавхар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ.

info@adolatgzt.uz, www.adolat.uz, adolatgzt-95@mail.ru, t.me/Gazeta_Adolat, adolat24.uz/

Масъул котиб - Абдуғани Содиқов, Навбатчи мухarrpир - Камол Матёкубов, Тахрирят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тонгиз» кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғ бичими А-2. Ҳажми - 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюрогма А - 900. Адади - 6037. Босишга топширилган вақти - Босишга топширилди - 23.55. Баҳоси келишилган нархда. Тахрирятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрирят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.